12-илова

2023 йилнинг 1-чораги давомида коррупцияга қарши курашиш тизимининг амал қилиши ҳақида

УМУМИЙ ҲИСОБОТ *

“O’zEraeAlternator” МЧЖ ҚКда ташкил қилинган алоқа каналлари бўйича ишлар амалга оширилган. Яъни, Ишонч телефони 2010 йил февраль ойида (73-220-00-16), Расмий веб-сайтдаги алоқа канали 2021 йил март (uea.uz) ойида ташкил қилинган.

Бундан ташқари, “O’zEraeAlternator” МЧЖ ҚКда 2023 йилнинг 1-чораги давомида коррупция фактларига доир келиб тушган мурожаатлар мавжуд эмас.

2023 йилнинг 1-чораги давомида 4 нафар ходим: (Каримов Анвар Зарифович, Рўзиев Умиджон Ихтиёр ўғли, Ёриқулов Аҳмаджон Назиржон ўғли, Бабажанов Азамат Рустамович- конвейер линияси операторлари вазифасига) белгиланган тартибда ишга олинган.

Шунингдек, “UzautoComponents” МЧЖнинг 26.09.2022 йилдаги 07-042-сонли “Комплаенс назоратига оид ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш ва тизимлаштириш тўғрисида”ги қабул қилинган буйруғи асосида “O`zEraeAlternator” МЧЖ ҚКда Ўзбекистон Республикасининг 03.01.2017 йилдаги Корруацияга қарши курашиш тўғрисида”ги ЎРҚ-419-сонли Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 июндаги ПФ-6013-сон “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2021 йил 16 июндаги ПФ-6247-сон “Давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти очиқлигини таъминлаш, шунингдек жамоатчилик назоратини самарали амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2019 йил 27 майдаги ПФ-5729-сон “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари талабларини ўз вақтида бажарилишини таъминлаш мақсадида корхонада қабул қилинган сиёсатлар, регламентлар, стандартлар, йўриқномалар билан корхонанинг барча ходимлари таништирилган.

“Uzauto” АЖнинг 27.03.2023 йилдаги 27/27-25-0393-сонли хатининг 1-иловаси асосида янги ишга қабул қилинган ходимлар билан тузиладиган шартномалар намунага мувофиқ ўзгартириш киритилмоқда, шунингдек, ушбу хатнинг 2-иловасига мувофиқ олдиндан ишлаб келаётган амалдаги ходимлар билан тузилган барча меҳнат шартномаларига қўшимчалар киритилмоқда.

Корхонада манфаатлар тўқнашувини бошқариш бўйича тегишли ички идоравий ҳужжатга асосан ходимлар томонидан 2023 йилнинг 1-чораги давомида тўлдирилган манфаатлар тўқнашуви бўйича декларациялар таҳлил қилиб чиқилди.

Таҳлиллар давомида ташкилотда манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари аниқланмаганлиги маълум қилинади.

Харид йўналиши бўйича ҳисобот даврида тузилган хўжалик шартномалари сони жами 127 та шартнома тузилган бўлиб, жами суммаси 1.058,2 млн.сўмни ташкил қилади.

Корхонада 2023 йил учун коррупциявий хавф-хатарлар харитаси тасдиқланди ва назоратга олинди.

Корхонада Коррупцияга қарши ички идоравий ҳужжатлар билан ходимлар таништирилди.

Коррупцияга қарши курашиш масалалари бўйича тренинглар ташкил этилиши белгилаб қўйилди.

Коррупцияга қарши ички назорат тузилмаси мутахасиси **М.Матназаров**